

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НАРАЛИЕВА ШАХЛО ДЖАМАЛОВНА

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ
МЕТОДИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ТАЪЛИМ ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ
БОРИЛАДИГАН МАКТАБЛАР МИСОЛИДА)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Наралиева Шахло Джамаловна

Умумтаълим мактабларида ўзбек тилини ўқитишнинг методик асосларини
такомиллаштириш (Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган
мактаблар мисолида).....5

Naraliyeva Shakhlo Jamalovna

Improving the methodological foundations of teaching the Uzbek language in
secondary schools (on the example of schools with the Uzbek language of
instruction in Kazakhstan).....21

Наралиева Шахло Джамаловна

Совершенствование методических основ преподавания узбекского языка в
общеобразовательных школах (на примере школ с узбекским языком
обучения Казахстана) - аннотация.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....41

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НАРАЛИЕВА ШАХЛО ДЖАМАЛОВНА

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ
МЕТОДИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ТАЪЛИМ ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ
БОРИЛАДИГАН МАКТАБЛАР МИСОЛИДА)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори диссертацияси (PhD) Жанубий Қозоғистон давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.navoiy-uni.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Сайфуллаева Раъно Рауфовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Мухамедова Саодат Худойбердиевна
филология фанлари доктори, профессор

Нуруллаева Шахло Ўктамовна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент шаҳар Алишер Навоий номли Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100174, Тошкент шаҳри, Ўқитувчи кўчаси, 103-уй. Тел-факс: (99871) 202 44 21; 71 2814511, 71 2814744, 71 2814193. e-mail: info@navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номли Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Ўқитувчи кўчаси, 103-уй. Тел-факс: (99871) 202 44 21; 71 2814511, 71 2814744, 71 2814193).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кунни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси).

Қ.Б.Йўлдошев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

С.Аширбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон глобаллашув шароитида мактаб она тили дарсларини давр руҳига мос тарзда ташкил этиш, унда ўқувчилар тафаккурини ижодий фаоллаштириш “технологияларининг самарали ва қулай шакллари ишлаб чиқишга эътибор қаратиш, таълим сифатини ошириш, ижодий тафаккур ва прагматик қийматли билим олишни рағбатлантириш”¹ масалалари ЮНЕСКОнинг халқаро таълим концепциясида белгилаб берилди. Ҳозирда Япония, Германия, Буюк Британия, Финляндия, Швейцария, Россия, Венгрия, Корея ва Хитой мактабларида она тили ўқув предметининг ўқитилишига алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, бу она тили таълимининг сифатини ошириш халқаро тус олаётганлигидан далолатдир.

Дунё таълимида таҳсил олувчиларнинг, жумладан, мактаб ўқувчиларининг сифатли ўқитилиши, уларнинг интеллектуал қобилиятлари, ижодий тафаккурлари, креатив фикрлашларини шакллантириш ва такомиллаштириш мамлакатларнинг барқарор ривожланишини таъминловчи шартлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Зеро, она тили дарсларида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, нутқий компетенцияларини ривожлантириш, бу борада таълимнинг самарадорлигини таъминловчи воситаларни такомиллаштириш, таълимнинг дидактик таъминотини бойитиш, ўқитиш жараёнида замонавий талабларга жавоб берадиган инновацион усул ва воситалардан фойдаланиш, шунингдек, уларни кенг миқёсда татбиқ этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилиши ҳам бежиз эмас.

Статистик маълумотларга кўра, дунё миқёсида эллик миллиондан ортиқроқ одам ўзбек тилида сўзлашишини инобатга олсак, ўзбек тилининг нафақат Ўзбекистон ҳудудида ўқитилиши, балки унинг республикадан ташқарида, қўшни мамлакатлардаги таълими масаласига ҳам эътибор қаратиш муҳим эканлиги аён бўлади. Ҳозирги замон методикасининг ижодий фаолиятни кучайтиришга йўналтирилган ёндашувида ҳам бунга алоҳида диққат қаратилмоқда. Жумладан, чет эл фуқаролари учун ўзбек тилини ўқитиш дастурларини яратиш ва хорижда истиқомат қилаётган ўзбекларнинг ўз она тилларида таълим олишларини таъминлаш учун ўша ҳудудларда ўзбек тили марказларини ташкил этиш ҳамда кенгайтириш каби қатор вазифалар амалга оширилмоқда. Ўзбек тилини ўқитишда Қозоғистонда ҳам ўзбек тили таълимининг методик асосларини ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Қозоғистон Республикаси ҳукуматининг 2012 йил 23 августдаги 1080-сонли қарори билан тасдиқланган Қозоғистон Республикасининг давлат мажбурий таълим стандартлари, Қозоғистон Республикасининг 2007 йил 27 июлдаги “Таълим тўғрисида” ги 319-III сонли қонуни, ҚР Фан ва таълим вазирлигининг 2017 йил 25 октябрдаги 545-сонли буйруғи, Қозоғистон Республикаси ҳукуматининг 2017 йил 29 ноябрдаги 790-сонли қарори билан тасдиқланган Қозоғистон Республикасида Давлат режалаштириш тизимининг 85-бандига

¹Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea. <https://www.ucll.be>

мувофиқ, Қозоғистон Республикаси ҳукуматининг 2021 йил 12 октябрдаги 724-сонли қарори билан тасдиқланган “Миллий маънавий юксалиш” миллий дастури, Қозоғистон Республикасининг 2019 йил 27 декабрдаги 293-VI сонли “Ўқитувчи мақоми тўғрисида”ги Қонуни, Қозоғистон Республикасининг 2020-2025-йилларда таълим ва фанни ривожлантириш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида Қозоғистон Республикаси ҳукуматининг 2019 йил 27 декабрдаги 988-сонли қарори, Таълимнинг барча босқичлари учун давлат мажбурий таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирининг 2018 йил 31 октябрдаги 604-сонли буйруғи, Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирининг 2021 йил 16 сентябрдаги 472-сонли буйруғи, Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирининг 2020 йил 6 апрелдаги 130-сонли буйруғи, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа меъриё-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилининг ўқитилиши борасида бир қатор олимларнинг илмий изланишлари мавжуд. Жумладан, Р. Йўлдошевнинг “Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитиш методикаси” монографияси, “Ўзбек тилини ўрганамиз” номли ўқув қўлланмаси ва қатор илмий-методик мақолалар, М. Рихсиеванинг “Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларни матн тузишга ўргатиш”² М.С. Эрназарованинг “Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг 2-синфларида ўзбек тилини ўқитиш методикаси”³, М.И. Мирзоҳидованинг “Ўзбек мактабларида қирғиз тилини она тили материалларига қиёслаб ўргатиш (унлилар мисолида)”⁴, Е.Б. Абдувалитовнинг “Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг V-IX синфларида ўзбек адабиётини тил таркибида ўқитиш асослари”⁵, Н. Бекниязованинг “Бошланғич синфлар она тили дарсларида ўқувчиларга матн яратишни ўргатиш методикаси

² Рихсиева М.М. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларни матн тузишга ўргатиш: пед. фанлари номз.... диссертацияси автореф. –Тошкент, 1998. – 20 б.

³ Эрназарова М.С. Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг 2-синфларида ўзбек тилини ўқитиш методикаси: пед. фанлари номз.... диссертацияси автореф. –Тошкент, 1999. – 22 б.

⁴ Мирзоҳидова М.И. Ўзбек мактабларида қирғиз тилини она тили материалларига қиёслаб ўргатиш (унлилар мисолида): пед. фанлари номз.... диссертацияси автореф. –Тошкент, 1999. – 26 б.

⁵ Абдувалитов Е.Б. Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг V-IX синфларида ўзбек адабиётини тил таркибида ўқитиш асослари: пед. фанлари номз... диссертацияси автореф. –Тошкент, 2002. – 22 б.

(таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар мисолида)”⁶, Д. Тошхўжаеванинг “Матн мазмунини ўз сўзлари билан қайта ҳикоя қилишга ўргатишнинг методик асослари (таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида)”⁷ номли тадқиқотларида таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили таълими ва унинг амалиётига эътибор қаратилган.

Шунингдек, Ш.Б. Булекбаеванинг “Она тилини давлат тили билан коммуникатив-когнитив асосда қиёсий ўргатиш (таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида)”⁸, Ш.Ш. Юлдашеванинг “Давлат тили таълимида ўқувчилар нутқий малакаларини ўстиришнинг илмий-методик асослари (таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган академик лицейлар мисолида)”⁹ каби тадқиқот ишларида ўқувчиларнинг нутқий малакаларини такомиллаштириш, оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини ўстириш усуллари билан боғлиқ муаммолар, А.Қ. Нисанбаеванинг “Ўзбек тили дарсларида матн воситасида ўқувчилар нутқини ўстириш (таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун)”¹⁰, С.С. Тажбенованинг “Она тили дарсларида ўқувчиларга назарий билимларни амалда қўллашни ўргатиш методикаси (таълим қозоқ ва ўзбек тилларида олиб бориладиган бошланғич синфлар мисолида)”¹¹ каби илмий-тадқиқот ишларида давлат тилида нутқий кўникма ҳосил қилиш усуллари, ўқувчиларнинг назарий билимларни амалда қўллай олишини таъминлаш учун изланиш методидан фойдаланиш йўллари ёритилган.

Жумладан, 1964 йилда тарихчи олим Б. Нурлибеков Жанубий Қозоғистон мактаблари тарихини ўрганади ва ўз тадқиқотида қисман у ерда яшовчи ўзбеклар, саноклигина бўлган ўзбек мактаблари хусусида маълумот бериб ўтади.¹² Қозоғистондаги ўзбекларнинг республика фан ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси¹³ масаласини тарих нуқтаи назардан ўрганган олима Ш. Ҳамроқулованинг “Билингвал таълим – Қозоғистондаги ўзбек мактабларида”¹⁴

⁶ Бекниязова Н. Бошланғич синфлар она тили дарсларида ўқувчиларга матн яратишни ўргатиш методикаси (таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар мисолида). Монография. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2012. – 160 б.

⁷ Тошхўжаева Д.Р. Матн мазмунини ўз сўзлари билан қайта ҳикоя қилишга ўргатишнинг методик асослари (таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида): пед. фанлари номз... диссертацияси автореф. – Тошкент, 2000. – 20 б.

⁸ Булекбаева Ш.Б. Она тилини давлат тили билан коммуникатив-когнитив асосда қиёсий ўргатиш (таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида): пед. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Самарқанд, 2019. – 52 б.

⁹ Юлдашева Ш.Ш. Давлат тили таълимида ўқувчилар нутқий малакаларини ўстиришнинг илмий-методик асослари (таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган академик лицейлар мисолида): пед. фанлари номз.... диссертацияси автореф. – Тошкент, 2008. – 23 б.

¹⁰ Нисанбаева А.Қ. Ўзбек тили дарсларида матн воситасида ўқувчилар нутқини ўстириш (таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун). – Тошкент: “Aloqa Print”, 2007, - 67 б.

¹¹ Тажбенова С.С. Она тили дарсларида ўқувчиларга назарий билимларни амалда қўллашни ўргатиш методикаси (таълим қозоқ ва ўзбек тилларида олиб бориладиган бошланғич синфлар мисолида): пед. фанлари бўй. фалс. докт. (PhD)... диссертацияси автореф. – Тошкент, 2018. – 49 б.

¹² Нурлыбеков Б. история развития школ Южно-Казахстанского края (1864-1917 гг. И 1917-1924 гг.) // дисс.канд... пед.наук. - Чимкент. 1964.

¹³ Ҳамроқулова Ш. Қозоғистондаги ўзбекларнинг республика фан ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси (1925-2015 йй).– Тошкент.: Янги нашр, 2015.- Б. 174 б.

¹⁴ Ҳамроқулова Ш. Билингвал таълим – Қозоғистондаги ўзбек мактабларида// Сўз санъати, 2021. – 4-сон.–92-96-б.

номли мақоласида ҳозирда мамлакатдаги ўзбекларда миллий тилни сақлаб қолиш муаммосини ўзбек миллий маданият марказларининг ўзбек мактабларида билингал таълим дастурини татбиқ этиш орқали баргараф қилишга уринишлари педагогик жиҳатдан таҳлилга тортилган. Қозоғистондаги ўзбек мактабларида билингал таълим билан боғлиқ Икром Ақром ўғли¹⁵, М. Мусаевларнинг ҳам илмий-методик мақолалари мавжуд¹⁶.

А.Н. Жилиннинг “Жанубий Қозоғистондаги ўзбеклар”¹⁷, А.Н. Жилин ҳамда К.К. Тайжановларнинг “Жанубий Қозоғистоннинг ўзбек аҳолисини ўрганиш (Қорамурт қишлоғининг тарихий-этнографик хусусиятлари)”¹⁸ номли ишларида Жанубий Қозоғистонда яшовчи ўзбекларнинг турмуш тарзи, миллий кадриятлари ва қисман сўзлашув тилига эътибор қаратилган.

Биз тадқиқ этаётган диссертация ишимиз ҳозиргача ўзбек тилини ўқитиш методикасида монографик планда махсус ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Жанубий Қозоғистон давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Қозоғистондаги ўзбек тили таълими ва унинг амалиёти” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида ўзбек тилини ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини ташкил этишнинг педагогик муаммосини аниқлаш;

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган она тили дастури ва дарсликлари таҳлили орқали мавжуд ҳолатни кўрсатиш;

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили дарсларини ташкил этиш тамойилларини очиқ бериш;

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини самарали ташкил этиш шакллари ва воситаларини такомиллаштириш;

она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқий (тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, сўзлаш, ёзиш) компетенцияларини ривожлантириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тилини ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштириш жараёни танланган.

¹⁵Икром Ақром ўғли. Билингал-Қарноқда // Жанубий Қозоғистон. 2005.

¹⁶Мусаева М. Билингал таълим – мактаб амалиётида // Жанубий Қозоғистон. 2010 йил 18 июнь.

¹⁷ Жилин А.Н. Узбеки в Южном Казахстане // Современное развитие этнических групп Средней Азии и Казахстана. – Москва: Изд. инст. этн. и атрп., 1992.

¹⁸Жилин А.Н., Тайжанов К.К. Изучению узбекского населения Южного Казахстана (историко-этнографическая характеристика селения Карамурт) // Полевые исследования Института этнографии. – Москва, 1984.

Тадқиқотнинг предмети Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили таълимини ташкил этиш мазмуни, шакллари, метод ва воситаларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда кузатиш, суҳбат, анкета-сўровнома, тест, педагогик тажриба-синов, математик-статистик (Стьюдентнинг t-мезони асосида) каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили дарсларини самарали ташкил этиш воситалари “тафаккур-тил-нутқ” трихотомиясининг ўзаро диалектик қонуниятларига ҳамда шу асосда интеграциялаш технологиясига асосланиши далилланган;

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини ташкил этиш жараёнига ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, сўзлаш, ёзиш компетенцияларини ривожлантириш бўйича методик тавсиялар киритиш орқали такомиллаштирилган;

ўзга тилли ижтимоий муҳитда яшаётган ўқувчиларда когнитив-прагматик, эвристик, интегратив ёндашувга асосланиб, ижодий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш орқали коммуникатив компетенцияларни такомиллаштириш йўллари аниқланган;

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини самарали ташкил этиш жараёнида ижодий характердаги ўқув топшириқларидан фойдаланиш ва шу асосда ўқув-билув фаолиятини ўқитувчи-ўқувчи-ўқув материали ҳамкорлигида ташкил этишнинг илмий-методик ва дидактик таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили дарсларини ташкил этишда, таълимдаги ўзаро боғлиқлик ва фанлараро алоқадорликни таъминлаш (узвийлик, узлуксизлик, онглилик, кетма-кетлик) тамойиллари орқали ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш илмий-методик жиҳатдан асосланган;

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили таълимида когнитив-прагматик усулда ўқувчиларнинг тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришнинг методик таъминоти бойитилган;

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили дарсларини ташкил этиш жараёнида ўқувчиларни ижодий фаоллаштириш, тил хусусиятларини ўргатиш, ўқув материалларининг тил ҳодисаларини аниқлаш, она тили фани мазмунини оптималлаштириш ва ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилиши, назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, тажриба-синов натижаларининг педагогик тадқиқотларга қўйиладиган замонавий талабларга мослиги, ишда қўтарилган муаммо ва унинг ечими қиёсий-танқидий, кузатиш, суҳбат, анкета-сўровнома, тест, педагогик тажриба-синов, математик-статистик

таҳлил усуллари воситасида аниқланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили дарсларини ташкил этиш жараёнида ўқувчиларни ижодий фаоллаштиришга оид илмий-педагогик қарашлар, назарий ёндашувларнинг ёритиб берилганлиги, ўқув жараёни мазмунининг ўзига хос хусусиятлари, уни ташкил этиш шакли, метод ва воситалари, илмий-методик тавсиялардан фойдаланилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан “Ўзбек тилини ўқитиш методикаси”, “Ижодий ишларни ташкил этиш методикаси” фанларидан машғулотлар олиб боришда ҳамда шу йўналишда ўқув қўлланма, дарслик, мажмуалар яратишда, Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини лойиҳалаш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили дарсларини такомиллаштириш жараёнида ўқувчиларни фаоллаштириш борасида эришилган илмий натижалар асосида:

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили дарсларини лойиҳалаш жараёнида ўқувчиларни фаоллаштиришга қаратилган таянч компетенцияларга эришиш учун тил, тафаккур, нутқнинг ўзаро диалектик қонуниятларига асосланган интеграциялаш технологиясидан унумли фойдаланиш зарурлиги хусусидаги илмий тавсиялардан, ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиришда педагогик-психологик жиҳатдан тайёргарлигини оширишга оид хулосалардан умумтаълим мактабларининг 5-11-синфлар учун чоп этилган “Ўзбек тили” дарсликларини яратишда, олий ўқув юрти филология йўналишидаги “6В01706-Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчисини тайёрлаш” ихтисослигининг 3-курс талабалари учун мўлжалланган “Ўзбек тилини ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмаларини яратишда фойдаланилган (Жанубий Қозоғистон давлат педагогика университетининг 2022 йил 02 февралдаги 04-06/218-сон маълумотномаси). Натижада Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактаблари ҳамда олий таълим муассасаларида она тили дарсларининг самарадорлигига, билим олувчиларда миллий ўзлик ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларнинг педагогик-психологик жиҳатдан тайёргарлигини оширишга эришилган;

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили таълими мазмунининг ҳозирги ўқитиш жараёнидаги хусусиятлари, ўқувчи психологияси, ёш хусусиятлари билан ўқув материаллари орасидаги мувофиқлик даражаси ва уларнинг малака талабларидаги коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришдаги роли ҳақидаги хулосалардан, ўқувчиларни ижодий фаоллаштиришда ўқув-билув фаолиятини ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлиги асосида ташкил этиш бўйича тавсиялардан

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактабларининг “Ўзбек тили” дастур ва дарсликларини тузишда, “Ўзбек тили (5-8-синфлар учун)” номли методик қўлланмаларни яратишда фойдаланилган (Қозоғистон Республикаси ўзбек этно-маданий бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамиятининг 2022 йил 12 февралдаги 10-сон далолатномаси). Натижада Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактаблари она тили дарсларида ўқувчиларни фаоллаштириш технологияси моделининг ташкилий компонентлари мантиқий, эвристик, интегратив, танқидий, когнитив-прагматик замонавий ёндашувлар ва илмийлик, узвийлик, кетма-кетлик, кўргазмалилик, моделлаштириш каби тамойиллар асосида такомиллаштирилган; ўқувчиларининг ижодий қобилиятларини юзага чиқариш ва ривожлантириш, таълим жараёнини самарали ташкил этиш таъминланган;

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили дарсларини ташкил этиш жараёнида ўқувчиларни фаоллаштириш технологиясининг ҳозирги даражасини таҳлил қилиш, фаоллаштириш имкониятларини излаш, фаоллаштириш технологияси бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга оид хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “Бедорлик”, “Адабий жараён”, “Таълим ва тараққиёт”, “Миллат ва маънавият” эшиттиришларида фойдаланилган (ЎзМТРКнинг 2022 йил 02 февралдаги 04-27-2057-сон далолатномаси). Натижада тингловчиларнинг Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили дарсларининг сифат ва самарадорлиги борасидаги тасаввурлари ҳамда билимларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 19 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш эълон қилинган, жумладан, 3 та методик қўлланма, 7 та дарслик, 8 та халқаро конференция материаллари тўпламида ва 2 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда, 9 та мақола хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Умумий ҳажми 160 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, мақсади, объекти, предмети, вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорийланиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Умумтаълим мактабларида ўзбек тилини ўқитиш масаласи методик муаммо сифатида” деб номланган бўлиб, унда

махаллий ҳамда хорижлик олимлар томонидан амалга оширилган диссертация мавзусига оид тадқиқотлар, шунингдек, Қозоғистондаги ўзбек мактабларида она тили машғулотларини сифатли ташкил этиш муаммоси, Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган она тили дастури ва дарсликлари таҳлили, Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили ўқитилишининг мавжуд ҳолати таҳлилга тортилган. Ўзбек ва қозоқ тиллари орасидаги бир тил оиласига мансублик, ҳудудий чегара нуктаи назаридан Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги кўни-қўшничилик, қондошлик ришталари, ижтимоий турмуш тарзининг яқинлиги, икки халқ тили, адабиёти, санъати ва маданиятининг бир-бирига ўзаро таъсири умумтуркий маънавиятнинг ўзига хос қирраларидан бири ҳисобланади, десак, муболаға бўлмайди. Ўзбек-қозоқ халқлари ўртасидаги узилмас ришталар¹⁹ боис Ўзбекистонда яшовчи қозоқ миллати вакиллари учун 318та махсус қозоқ мактаби фаолият кўрсатади.²⁰ Қозоғистон Республикасида, айниқса, юртимизнинг жанубий қисмида кўплаб ўзбек оилалари истикомат қилишади, бугунги кунда Қозоғистонда мингдан ортиқ мактабларда таълим беш тилда – қозоқ, ўзбек, рус, тожик, уйғур тилларида олиб борилмоқда. Қозоғистон Республикасида соф ўзбек тилига ихтисослашган мактаблар сони 11та, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган аралаш турдаги мактаблар сони 126тани ташкил этади.

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини ташкил этиш жараёни муаммолари тўғрисида фикр юритилганда унинг икки жиҳатини фарқлаб олишимиз зарур:

1. Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини ташкил этиш жараёнида таълим мақсади, таълим мазмуни, таълим усули, таълим воситалари ва ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари ўртасидаги мувофиқлик билан боғлиқ муаммолар;

2. Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини ташкил этиш жараёни ва унинг муваффақиятли кечишини таъминловчи ижтимоий шароитлар билан алоқадор муаммолар.

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотлари таълимни ижодий ташкил этиш йўли билан унинг самарадорлигини ошириш, ёшларни мустақил ҳаётга, ўзаро мулоқотларга, ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларга тайёрлаш сифатини ошириш мумкин. Шунинг баробарида, Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини ташкил этишда соҳа мутахассислари, айниқса, мактаб ўқитувчилари орасида ижодий таълимни анъанавий таълимдан фарқлашда тушунмовчиликлар, уларнинг ўзаро тафовутларини ажратишда камчилик, етишмовчиликлар учрашини кузатамиз. Мазкур мактабларда она тили машғулотларини ташкил этиш жараёнида таълим мақсади, таълим мазмуни, таълимни лойиҳалаш ва унинг усули ўртасидаги

¹⁹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон – Қозоғистон: азалий дўстлик ва стратегик шерикликка асосланган алоқалар // Халқ сўзи. 2019 йил. 14 апрель. <https://xs.uz/uz/site/newspaper>

²⁰ Азимов И. Бундан ўзимиз манфаатдормиз. <https://kun.uz/news/2021/10/13/>

мувофиқлик билан боғлиқ муаммолар, шунингдек, таълимга салбий таъсир этувчи ижтимоий муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Республикадаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дастурда ўзбек тили ўқитиш билан боғлиқ таълим мазмунида “Тил ва муомала”, “Кийиниш гўзаллиги”, “Оилавий анъана ва байрамлар”, “Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси”, “Хаёлот дунёси”, “Транспорт ва йўл белгилари”, “Коинот сирлари”, “Саёҳат ва дам олиш”, “Қозоғистондаги кўркем масканлар”, “Оламнинг етти мўъжизаси”, “Астана – маданият ва санъат маркази”, “Интернет ва ижтимоий тармоқ”, “Фазони забт этишдаги ютуқлар”, “Мангу боқий эл – муроду мақсадим” каби қатор боб, бўлим номлари келтирилганки, бу усул шу тил эгасининг эътиборини тортади. Шунингдек, ўзбек ва қозоқ халқлари турмуш тарзининг уйғунлигига, икки халқ дўстлигининг мустаҳкамлигига қаратилган мавзуларнинг танланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг она тили таълими бўйича ўқув дастурида белгиланган *огзаки ва ёзма нутқ меъёрларини ўзлаштириш, мантиқий тафаккурни ўстириш, сўз бойлигини ошириш, ўзгалар фикрини англашга ўргатиш, коммуникатив саводхонликни ривожлантириш, сўзлашиш маданияти қоидаларига одатлантириш* каби қатор вазифалар мазкур ўқув предмети таълимининг асл моҳияти билан боғлиқ. Қозоғистондаги ўзбек фарзандлари истиқомат қилаётган шаҳар ва туманларда кўпчилик қозоқ ёки рус тилида гаплашишини, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришларнинг аксарияти шу тилларда олиб борилишини инобатга олсак, мактабларда “Ўзбек тили” ўқув предмети таълимига ажратилган ўқув соатларининг келажакда кўпайтирилиши қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деган фикрдамиз.

Синфлар кесимида берилган ўзбек тили фанининг боблар ёки бўлимлар номи назарий терминлар билан номланмаганлиги, аксинча, боб ва бўлимларга боланинг ижтимоий коммуникатив эҳтиёжларини қондириш ёки халқнинг миллий маданияти билан боғлиқ ҳолатда ўзига хос сарлавҳалар берилиши дастурнинг энг эътиборли жиҳатидир. Демак, Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган она тили дастури ва дарсликларидан тақдим этилган таълим мазмуни, ўқув материаллари ўқув предметининг умумий мақсадига мос келади.

Шунингдек, дарс турларининг ҳар бирида ўқувчиларни ижодий ишларга жалб қилиш имкониятлари ниҳоятда кўп, уларни методик жиҳатдан тўғри белгилаб олиш, албатта, педагогнинг маҳоратига боғлиқ. Бир гуруҳ ўқитувчиларнинг дарсларини кузатганимизда уларнинг кўпчилиги анъанавий усулларда ўтказилиши аниқланди. (Қаранг: 1-жадвал)

Қозоғистондаги ўзбек мактабларида она тили таълимини ташкил этишга оид кузатилган ва таҳлил қилинган дарслар усули

Кузатилган дарсларнинг умумий миқдори	Дарс тури							
	Янги мавзунинг ўргатиш ва мустақамлаш дарси		Ўтилганларни такрорлаш ва малака ҳосил қилиш дарси		Билим ва малакаларни умумлаштириш дарси		Билим ва малакаларни назорат қилиш дарси	
110	анъанавий	ноанъанавий	анъанавий	ноанъанавий	анъанавий	ноанъанавий	анъанавий	ноанъанавий
		36	21	20	13	5	7	7
Жами	57		33		12		8	

Таҳлилларимиз ўзбек тилини ўқитиш тизимида Қозоғистонда ўзбек тили таълимининг методик асосларини ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Ишнинг иккинчи боби “Умумтаълим мактабларида ўзбек тилини ўқитишнинг замонавий шакл ва воситалари” деб номланган. Мазкур боб таркиби “Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини ташкил этишнинг шакл ва методлари”, “Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини ташкил этиш тамойиллари” ва “Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини самарали ташкил этиш воситалари” тарзида номланган учта ички параграфни қамраб олган. Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини ташкил этишда ўқувчиларни фаоллаштириш технологиясини такомиллаштириш борасида изланишлар олиб борилмоқда. Бунинг учун, табиийки, она тили машғулотларида ўқувчиларни фаоллаштиришнинг илғор педагогик усулларида самарали фойдаланиш имкониятларига урғу берилди.

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини ташкил этишнинг ўзига хос шакллари мавжуд. Бундай машғулотларни ташкил этиш шакллари деганда – а) синф-дарс шакли (анъанавий ҳамда ноанъанавий) ва б) синфдан ташқари ишлар (турли суҳбат, кеча, учрашув, кўрик-танлов, олимпиада, мустақил таълим каби) назарда тутиладики, уларнинг ўтказилишида узвийлик таъминланиши зарур.

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини ташкил этишда ўқувчининг сўз бойлигини ошириш, сўзларнинг маъно нозикликлари, фарқ ва ўхшашликларини ҳис қилиш ва англаб етиш; тўғри талаффуз қилиш ва хатосиз ёзиш; сўзларни боғлаб гап, гаплардан эса матнлар туза олиш; бирикмалардаги маъновий ва

грамматик, матнлардаги мантиқий хатоликларни топиш ва тузатиш; бир фикрни турли усуллар билан ифодалаш; узилган фикрнинг давомини тиклаш каби қатор мантиқий операцияларни бажариш, нутқ вазиятини тўғри баҳолаш ва тил имкониятларидан унга мос равишда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда малакасини ўстиришга хизмат қилувчи методлар назарда тутилади. Шунингдек, умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини ташкил этиш жараёнида чуқурлаштирилмаган лингвистик билимлар прагматик вазифалар “сояси”да бўлмоғи, ўқувчининг ақлий фаолияти зинҳор лингвистик қоидалар ва тил қурилишига доир билимлар билан банд қилиб қўйилмаслиги керак.

Мазкур умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини ташкил этиш жараёнида семантик жиҳатдан боғланишли, психологик жиҳатдан руҳий-тарбиявий, педагогик жиҳатдан боланинг ёш хусусиятларига мос матнлар; фразеологик бирликлар, мақоллар устида ишлаш ўқувчиларда ҳозиржавобликни тарбиялайди, оғзаки/ёзма саводхонликни таъминлайди, болани нутқий баркамолликка етаклайди.

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини ташкил этишда 1) она тили ўқитишда таълим, тарбия ва тараққиёт уйғунлигини таъминлай олиш; 2) она тили ўқитишда ҳамиша когнитив-прагматик жиҳатга эътибор қаратиш (назарий билимларни биринчи планга қўймаслик); 3) она тили ўқитишда тизимлилик ва изчилликка қатъий амал қилиш; 4) она тили дарсларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий мавзудаги матнлардан кенг ва ўринли фойдаланиш; 5) она тили ўқитишда ўқувчиларни онгли, фаол ва мустақил фикрлашга ўргатиш; 6) она тили ўқитишда таълим муҳити, болаларнинг ёш хусусияти ҳамда ўқув имкониятларини ҳисобга олиш каби тамойилларга қатъий амал қилиниши назарда тутилади.

Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини самарали ташкил этиш воситалари тизимли равишда, дастур ва дарсликлардаги мавзулар моҳиятига уйғун ва ўзаро изчилликда, узвийликда (ўқитувчи томонидан) тайёрланган, уларнинг ўтказилиш методлари лойиҳаланган, натижаси пухта ўйлаб чиқилган дидактик-методик яхлитликдан иборат.

Учинчи боб “Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва натижалар таҳлили”га бағишланган бўлиб, унда Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотлари самарадорлигини ошириш бўйича тажриба-синовнинг ташкил этилиши, педагогик тажрибадаги самарадорлик мезонлари ва тажриба натижалари умумлаштирилган.

Мавжуд шароит ҳамда кузатишларимиз натижасида шунини таъкидлаш керакки, ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятлари, мулоқот кўникмаларини изчил ривожлантириш умумий ўрта таълим мактабларида амалга ошириладиган она тили таълимнинг асосий мақсади бўлмоғи лозим. Уни амалга ошириш учун эса, таълим мазмунининг мазкур мақсадга мутаносиб тарзда белгиланишига эришиш талаб этилади. Муаммонинг ечими бир қатор ижтимоий-педагогик омилларга боғлиқ. Жумладан, а) она тили таълими тизимида умумий мақсаддан ташқари хусусий мақсаднинг ҳам қатъий белгилаб

берилиши; б) шахс, давлат ва жамият эҳтиёжлари, фан, техника, технологиялар, ишлаб чиқариш жараёнлари ривожланиши билан боғлиқ ҳолда таълим олдига қўйилган муҳим талаблар ва ўқув-билув мақсадига мос келувчи таълим мазмунини белгилаш; в) Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида билингувал ва кўп тилли таълим усулини қўллашда таълим-тарбия тизими олдига қўйилган асосий талабларни белгилаб олиш; г) мустақиллик йилларида ўзбек тилининг луғат таркибидаги ўзгаришларни инобатга олиш; д) Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактаблари учун “Ўзбек тили” дарсликларининг янги авлодини яратиш; е) Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида “Ўзбек тили” дарсларининг самарадорлигини ошириш учун мазкур ўқув предмети дастури ва дарсликларига ҳамоҳанг “Ахборот банки” базасини яратишдан иборат.

